

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA DAVRASIDA

№ 45
(443)
2020-yil
5-noyabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyida boshlagan.

ЁШЛАР ҲАЁТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ



МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛМАЙДИ!

3-бет

ОТАГА МУНОСИБ ЎФИЛ

ёхуд йигирма йилга
кечikkan тарбия

6-бет



ОЛМАСИЗ «ОЛМА ШАРБАТИ»

ТАНАМИЗНИ ОЛДАШНИНГ
ОЯНЧЛИ ОҚИБАТИ

7-бет

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА бошланди

«Оила даврасида» – энг
арзон, энг қизиқарли
ва оилангизнинг ҳар
бир аъзоси учун энг
фойдали нашр!



ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!

6-бет



Батафсил
маълумот:

+99897 731-87-01

Обуна индекси –

193

СЕҲРЛИ СЎЗ

эрни ҳам, хотинни ҳам
ўзгартира олади

6-бет



ЎКСИГАН ХУРМО ҒЎЛАСИ

Бу – чинаком мўъжиза!

7-бет

РАҲБАР ЎЗГАРГАНИ БИЛАН ВАЗИЯТ ЎЗГАРАДИМИ?

ёхуд одамларнинг янги вазирга нималар демоқчи экани хусусида

Турли лавозимлардаги ўзгаришларга одамларимиз ўрганиб ҳам қолишди чоғи – ажабланувчилар тобора камайиб кетяпти. Лекин ҳар қандай янгиликлар дастурининг «бисмиллоси» ўрнини коронавирус эгаллаб турган бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлигига янги раҳбар тайинланиши барибир кишини озгина ўйлантиради.

Ахир, кечувда отларни алмаштирмас эдилар...

Умуман олганда, янги вазир бутунлай янги ҳам эмас. У шу пайтгача соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган.

Ҳўш, карантиннинг долзарблиги тушмаётган, аксинча, дунё мамлакатларида янги-янги аксилрекордлар қайд қилинаётган ҳозирги шароитда соғлиқни сақлаш вазири нега ўзгармоқда? Яна ҳам муҳимроқ савол: раҳбар ўзгаргани билан вазият ўзгарадими?

Барчамизга яхши маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунларданок айнан мана шу соҳага катта эътибор қаратган эди. Соғлиқни сақлаш масалаларига бағишлаб кетма-кет ўтказилган йиғилишларда тизимдаги камчиликлар рўй-рост айтилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинган. Лекин очик тан олиш керакки, соҳада муайян ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани баробарида, ишга бармоқ орасидан қараш, хаста инсоннинг дардига шерик бўлиш ўрнига, чипқонлик қилиш, энг аянчлиси, талончилик ва коррупция билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Узоққа бормайлик-да, янги вазирнинг ўз сўзларидан иқтибос келтирайлик. Жорий йил 11 сентябрь куни турли ижтимоий тармоқлару веб-сайтларда ўша кезлари соғлиқни сақлаш вази-

рининг биринчи ўринбосари бўлган А.Ҳожибоевнинг тизимда маблағларни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари бўйича изоҳи берилди. Таъкидланганидек, шифокорларга маош бериш ва озик-овқат маҳсулотлари харидида давлат бюджети маблағларини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари кузатилган. А.Ҳожибоев бунинг сабаблари ҳақида гапириб, қуйидагиларни қайд этади:



«Коронавирус беморлари даволанмаётган ва унга гумон қилинувчилар карантинга олинмаган муассасаларда давлат бюджети ва жамғармалардан ажратилаётган маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, ноқонуний ўзлаштирилиши ҳоллари кўплаб кузатилмоқда.

Бу муассасаларда ишлаётганларнинг

ойлик маошини кўтариш, қўшимча б фоизлик устама бериш кабилар белгиланган бўлиб, бунда қайсидир ўринларда билиб-билмай хатоликларга йўл қўйилган. Маблағларни ноқонуний ўзлаштиришнинг асосий сабабларидан бири шу.

Яна бир сабаб – карантин зоналарида ва шифохоналарда овқатланишни ташкил қилиш билан боғлиқ. Кўп ҳолларда овқатланишни ташкил қилишда озик-овқат маҳсулотларининг нархини ошириш ва шу орқали маблағларни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари бўлган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ички аудит, сифат назорати ва молиявий

назорат тизими йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг жойлардаги вакилларига бу бўйича вазиятни назоратга олиш топшириги берилган...»

Сенатнинг ялпи мажлисида шу гапларни айтган Абдуҳаким Ҳожибоев ўтган ярим йилликда соғлиқни сақлаш тизимида 285 ҳолатда 14 миллиард сўм маблағнинг ноқонуний ўзлаштирилиши

ва мақсадсиз сарфланиши ҳолларига йўл қўйилганини маълум қилди.

Сенаторлар тизим раҳбариятини бундай камчиликларга қарши қатъий ва кескин курашга чақирди. Давлат раҳбарининг қарори асосида коронавирусга қарши курашга жалб қилинганларнинг маошлари кўтарилди. Айни пайтда юртимизда коррупцияга қарши курашиш ишлари янги босқичга чиқмоқда. Бинобарин, соғлиқни сақлаш тизимида қатъий назорат механизмлари ишлаши, маблағлар билан ноқонуний ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш лозим.

Биз Сенатнинг мазкур мажлисида тизимда маблағларни ноқонуний ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида келтирилган маълумотларни такрорлаш ниятида эмасмиз. Зотан, газетхонлар афқор омманинг пешқадамлари бўлиб, ўша маълумотларни яхши билади ва ортиқча эслатиш айримларнинг ҳамиятига тегиши турган гап.

Биз бошқа масалага эътибор қаратмоқчимиз. Яъни, шу камчиликларни бартараф этиш учун шахсан Сиз қандай йўл тутасиз, нима чоралар кўрасиз, жаноб вазир?

Одамларни ўйлантираётган бошқа масалаларга ҳам ойдинлик киритиб берсангиз. Масалан, «Хусусий шифохонага бордим, барибир шу харажат кетади, зато яхши қарашади», «Дўхтирларнинг чўнтагини «мойлаб» турмасанг, шўрингга шўрва тўкилади», «Касал бўлган яқинимнинг аҳволи ич-этимни тирнайдию, булар бўлса нуқул қўлимга қарагани қараган. Олдин унга ёрдам бер, кейин ҳақнинг бир гап бўлар!...» қабилдаги гаплардан қачон қутуламиз?

Президент ва сенаторлар Сизга катта ишонч билдирапти. «Мендан кетгунча» қабилда иш юритадиган замонлар ортада қолган. Нима қарорлар қабул қилиш ниятида эканингизни жамоатчиликка билдиринг, одамлар ҳам Сизни қўллаб-қувватласин. Шояд ими-жимида лавозимидан кетиб, тезда ҳамманинг ёдидан кўтариладиган амалдорлардан бири эмас, соҳа равнақида бурилиш ясаган вазир сифатида танилсангиз.

Бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида 8 та энергоблок, 15 та қозонагрегати, 5 та БГҚ ва бошқа бир қатор асосий ва ёрдамчи энергия ускуналарини таъмирлаш режалаштирилган.

Иссиқлик қуввати кўпайтирилади

– Янги ускуналарда сошлаш ва таъмирлаш ишларини етказиб берувчи компаниялар мутахассислари амалга оширади, аммо биз уларнинг иш жараёнида ҳам фаол иштирок этамиз, — дейди **Республикаси Энергетика вазирлиги тизимидаги «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Руслан Мубаракшин ЎЗА мухбирига берган интервьюсида.**

Ушбу ишлар бажарилиши натижасида иссиқлик электр станциялари ва марказларининг амалдаги қуввати 368 МВт га ошади. Куз-қиш мавсумида ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2020 йил якунига қадар 804,5 миллиард сўмга тенг бўлган 1 млрд. 219 млн. куб метр табиий газ ва

27,3 млрд. сўмлик 137,11 млн. кВт соат электр энергияси тежалиши кутилмоқда.

2020 йилда электр энергияси истеъмоли ўтган йилга нисбатан ўртача 9 фоизга ошиши ҳисобга олинган ҳолда, жорий ва инвестиция лойиҳалари уюшқоқлик билан ҳаётга татбиқ этилаётди.

Пандемия туфайли юзага келган жаҳон иқтисодий инқирози шароитида жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт янги қувватларни ишга тушириш ишлари жадал давом этаётгани, тизимда хорижий инвестициялар ҳисобига янги буғга газ қурилмалари бўйича режалар шакллантирилгани энергетикамиз ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши ҳамда ривожланишига мустаҳкам замин яратаётганидан даракдир.

Онлайн таълим яқунланадими?

Ота-оналар томонидан II чоракдан барча ўқувчилар тўлиқ анъанавий шаклдаги таълимга қайтадими, деган саволлар келиб тушаётгани сабабли Халқ таълими вазирлиги мазкур масала юзасидан изоҳ берди.

«Маълумки, мактабларда жорий ўқув йили ота-оналарнинг ихтиёри асосида онлайн ҳамда анъанавий шаклда йўлга қўйилди. Бирок, афсуски, бугунги кунда мавжуд вазиятни тўғри тушунмасдан, айрим ота-оналар томонидан фарзандини мактабга юбормаслик билан бирга, «Онлайн дарслар» вақтида фарзандининг дарс қилишини таъминлаш ўрнига, кўчада юришига йўл қўяётган ёки уни бошқа ишлар билан банд қилиб қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Айтиш жоизки, фарзандларимизнинг зое ўтаётган ҳар бир куни унинг эртанги келажагига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди, боланинг мактабда таълим олишини ҳеч қандай энг замонавий технологиялар билан ҳам ўрнини босиб бўлмайди.

Шу сабабли ҳурматли ота-оналаримиздан уйда боланинг телевидение орқали онлайн таълим олишига тўлақонли шароит яратишнинг имкони бўлмаса, фарзандларини мактабга юборишларини сўраб қоламиз», — дейилади вазирлик изоҳида.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Антикоррупция ҳафталиги ўтказилади

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ноябрь-декабрь ойлари давомида Антикоррупция ҳафталиги ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ҳафталик доирасида бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маҳаллий ва халқаро экспертларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш, шунингдек, истиқболдаги долзарб вазибалар ва тенденцияларни муҳокама қилишга қаратилган халқаро ва минтақавий анжуманлар ташкил этилади.

Бундан ташқари, вазирлик ва идораларда ОАВ ва жамоатчилик вакиллари учун очик эшиклар куни, ёшлар иштирокида ижтимоий сўров ва акциялар, шунингдек коррупцияга қарши курашишни тарғиб этишга қаратилган танловлар ўтказилади.

«Совет давридаги коллективизм – ҳаммани тенг кўриш ва бир қолипга солишнинг вақти ўтди. Бундай ёндашув эскирган. Ҳозир ҳар бир ёшга алоҳида шахс сифатида қараш, ҳар бирининг индивидуал талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш ҳамда қондиришга ҳаракат қилиш айна муддао. Бу жамиятимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим бўлиши аниқ, пировард натижада эса мамлакатни тараққий эттиришга хизмат қиладиган муҳим бўғин ҳаракатга келади».

ЁШЛАР ҲАЁТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

мамлакат истиқболига хизмат қилмайди

Ўзбекистон миллий университети доценти, социология фанлари доктори Азамат СЕИТОВ юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ҳолати хусусида холис фикр билдирди. Экспертнинг сўзларига қараганда, айна чоғда ёшлар билан ишлашда эскича қараш-муддаолардан буткул воз кечиш зарур.

– Азамат Пўлатович, ёшларга оид давлат сиёсати, аниқроғи, уни рўёбга чиқариш механизмлари ҳақида либерал позициядан туриб фикр юритяпсиз. Бундай ёндашув нимаси билан афзал? Нега айнан уни асос қилиб олиш керак, сизнингча?

– Яқин ўтмишимизга юзланаёлик. Собик иттифоқ даврида ёшлар комсомолнинг таркибий қисми, коллектив келажак пойдевори сифатида қаралган. Уларга нима кераклиги, ҳатто кизиқишлари доирасини давлат ва амалдорлар тепадан туриб белгилаб берарди. Ўша вақтда оммавийлик урф бўлган. Ёшларни ёппасига меҳнат отрядларига жалб қилиш, ёппасига ягона мафкурага эргаштириш, ёппасига бир хил услубда кийинтириш кабилар одатий ҳол эди. Инсоннинг индивидуал хусусиятлари билан эса ҳеч ким ҳисоблашмаган.

– Энди-чи?

– Энди биз мутлақо ўзгача реалликда яшаймиз. Ўзбекистон халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига ҳаракат қиляпти. Лекин бу осон эмас. Глобал дунёдаги шиддатли рақобатга дош бериш учун «инсон капитали»ни ўстириш керак. Бундай салоҳият ёшлардагина мавжуд. Уни рўёбга чиқариш индивидуал ёндашувни талаб қиладди. Фикримча, ёшларга оид давлат сиёсатини мана шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилишнинг вақти келди.



Мана каранг, охириги йилларда юртимизда бир қатор спорт турлари бўйича чемпионлар етишиб чиқди. Шаҳару қишлоқларда қанчадан-қанча ўғил-қизлар уларга ҳавас қилиб ёки яқинларининг ундови билан спорт секцияларига ёзилапти. Бироқ ўша ҳавасмандлар билан индивидуал тарзда иш олиб бориляптими? Иқтидори тўғри йўналтириляптими ўзи? Саволлар очик... Балки, бокс тўғрарига ёзилган боланинг аслида санъатга кўпроқ иштиёқи бордир. Ёшларга оид давлат сиёсатида оммавийликдан қочилмас экан, бу соҳадаги муаммо ва камчиликлардан ҳали-бери қутула олмаймиз.

– Фарзандларимиз қалби ва шуурига индивидуализм уругини сеппиб, уларда худбинликни тарбиялаб қўймасмиканмиз?

– Индивидуализм ва эгоизм айнан бир нарса эмас. Улар ўртасидаги нозик фарқни илғаш жуда муҳим. Индивидуаллик инсонга ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этиш имконини беради. Кейинчалик у дунёқароши ва кизиқишлари ўзиникига ўхшаш одамларни кидира бошлайди. Ушбу занжир тобора кенгайиб, алал-оқибат, коллективизмга олиб келади. Фақат бундай коллективизм

ки, ёшлар масаласига оид режа-дастурлар тузишда салмоқ бирламчи бўлиб қолмаслиги керак. Йўқса раҳбарлар гап эшитиб қолмаслик учун реал ҳолатни яшириш ёки ҳисоботдаги рақамларни бўрттириб кўрсатиш пайига тушади.

– Унда хатолик қаерда? Бугун ёшлар сиёсати тизимининг қайси бўғинлари панд беряпти?

– Тизимга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Мен фақат вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиққан бўлардим. Давлат ёшлар сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишларини белгилаб бериши керак, холос. Бўлди! Қолган ишни нодавлат ташкилотлар бажаради. Шу боис Ўзбекистонда бир эмас, ўнлаб ёшлар бирлашмалари фаолият кўрсатгани маъқул, деб ўйлайман. Давлат ижтимоий буюртмани шакллантиради, лойиҳа учун маблағ ажратади ҳамда ижрочилар ўртасида танлов эълон қиладди. Табиийки, тендерда ғолиб бўлган ташкилот ёки муассаса натижа учун ишлайди, буюртмани сифатли бажаришга ҳаракат қиладди. Чунки бундан, аввало, ўзи манфаатдор.



Давлат ёшлар сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишларини белгилаб бериши керак, холос. Қолган ишни нодавлат ташкилотлар бажаради.

Ёшлар сиёсатини амалга оширишда асосий оксоқлик ижро механизмида юзага келмоқда. Мақсад аниқ ва тўғри қўйилса ҳам, бироқ мутасаддилар эскича ёндашув, яъни оммавийликдан воз кеча олмаяпти. Қолаверса, аксарият лойиҳаларга давлат ташкилотлари бош-қош бўлмоқда. Ижтимоий буюртмага масъул ҳам, маблағни тасарруф этувчи ҳам ўзлари. Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласини олайлик.

Эҳ-ҳе, бу бўйича қанчалаб ёлғон маълумотлар тайёрланмади дейсиз. Университет, коллеж битирувчиларидан ишга жойлашгани тўғрисида маълумотнома олиб келиш талаб қилинади. Шу бир парча қоғоз йиғмажилдга тикилмагунича на курс раҳбари, на директор ва на деканда ҳаловат бор.

Баъзи ёшлар қулоғим тинчисин, деб бирон жойда ишлаётганини тасдиқловчи сохта ҳужжат қилдириб келади. Қарабсизки, ҳисоботда ҳаммаси рисоладагидек. Амалда эса муаммолар камаяётгани йўқ.

– Ички ва ташқи таҳдидлар бор. Ёшлар сиёсати шундайларга дарҳол реакция кўрсатиши, пайини қирқиши керак. Нима деб ўйлайсиз, ёшлар онгидаги мафкуравий бўшлиқни таҳдидлар сирасига киритса бўладими?

– Ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ мавжуд эмас. Бу – миф!

– Нега?

– Чунки онгда бўшлиқ пайдо бўлдими, у албатта, нимадир билан тўлдирилади. Демак, инсон мудом муайян тушунчалар, фикр, ғоя ва мафкуралар таъсирида яшайди.

Энди сўрашингиз мумкин, нега унда

бутун дунё мафкуравий таҳдидлар сабаб турли минтақаларда «рангли инқилоб»лар юз бераётгани ҳақида айюҳаннос солмоқда?

«Рангли инқилоб» гибрид урушнинг энг оммалашган шакли ҳисобланади. Оммани жунбишга келтириб, кейин онги билан манипуляция қилиш мамлакатни ҳарбий куч ишлатиб босиб

олишдан кўра минг чандон афзал ҳозирги кунда.

Гибрид урушлар қурбонига айланишни истамаган давлат, турган гапки, ёшларнинг қалби ва онгини ёт ғоялардан ихоталашга ҳаракат қиладди. Бу эса ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Эртанги кундан кўнгли тўқ, давлатига ишонадиган халқнинг иродасини букиб бўлмайди.

Йигит-қизларимиз ғаламисларга эргашиб, норозилик намойишларига чиқмаслиги, ўз юрти ва жамиятини пароканда қилмаслиги учун улар билан мафкуравий йўналишда жиддий ишлаш зарур.

Мана, ватанпарварлик деймиз. У нима ўзи? Инсонни она тупроғи билан боғлаб турадиган қадриятлари бўлиши керак. Уй-жойи, мол-мулки бор макондан кимнинг ҳам узокқа кетгиси келади. Шу боис фуқароларнинг мулкка эғалик ҳуқуқини ишончли қафолатлаш жуда муҳим.

Ўй-фикрлари, режа-мақсадлари беқарор, ижтимоий муаммолар гирдобидида қолган одамлар мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталиги ҳақида қайғуришга қодир эмас. Улар қорин ғамида, фақат шахсий манфаатларини кўзлаб яшайди. Бунга асло йўл қўймазлик керак!

Социологлар охириги вақтда жамиятда диний қарашлар устуворлик касб этгани ҳақида гапирмоқда. Бу объектив ҳолат. Сабаби коронавирус пандемияси туфайли одамлар иш жойидан айрилиб, даромади қисқарди. Табиийки, инсон мана шундай оғир ва мураккаб вазиятда нимадандир таскин топишга интилади.

Бугун аксарият ўзбекистонлик ёшлар ҳаётида диний қадриятларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётгани ҳам тасдиқ эмас, албатта.

– Бундай ёшларни йўлдан уриш осонми?

– Умуман олганда, ҳа. Чунки дин нозик масала. Давлат унда ўзининг иштирокини сақлаб қолиши зарур. Диний қарашларни нотўғри талқин этиш орқали бутун бошли мамлакатлар уруш ўчоғига айланиб қолаётгани бор гап. Бу билан одамларнинг эътиқод эркинлиги бўғилсин ёки диндорлар таъқиб қилинсин демоқчи эмасман. Аммо инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаймиз, деб динни никоҳ қилиб олувчи экстремистик кучларга йўл очиб бермаслик керак.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур масалада ниҳоятда оқилона сиёсат юритиб, маърифий исломни тарғиб этмоқда. Бундай ёндашув мафкуравий таҳдидлар билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишга замин ҳозирлайди.

Наргиза УМАРОВА
сўхбатлашди.



Ёшларга оид давлат сиёсатида оммавийликдан қочилмас экан, бу соҳадаги муаммо ва камчиликлардан ҳали-бери қутула олмаймиз.

Нега ёшларни ҳали ҳам яхлит субстанция, яъни оммавий равишда ишлаш талаб қилинадиган қатлам деб қабул қиламиз? Бу мени ҳайрон қолдиради. Ёшларга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳам кўпроқ микдорий кўрсаткичларга урғу берилмоқда. Айтайлик, ҳар бир туман (шаҳар)да шунчадан мини футбол майдончалари қурилади ёки бўлмаса, мактабларда шунча спорт, шунча санъат, шунча фан тўғрарига ташкил қилинади, деб хомчўт қилиш жуда ғалати, назаримда. Йигит-қизларнинг кизиқишлари, талаб-эҳтиёжларини ўрганмай, бу борада жиддий ва кенг қўламли социологик тадқиқотлар ўтказмай туриб, қандай қилиб уларнинг ҳаётини олдиндан режалаштириш мумкин, ахир?! Гап яна оммавийликка бориб тақалмоқда. Бундай вазиятда мутасадди ташкилотлар, табиийки, рақамлар ортидан кувишга интилади.

совет давридагидек кўрkitиш ва мажбурлашга асосланмайди. Балки қуйидан, ихтиёрий тарзда шакллантирилади.

Либерал нуқтаи назардан индивидуализм орқали коллективизмга келиниши керак, аксинча эмас!

Ҳозир мамлакатнинг барча ҳудудларида IT-парклар ташкил қилинмоқда. «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси эълон қилинди. Мақсад тўғри қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги салоҳиятини ошириш ниҳоятда муҳим. Бироқ, такрор айтаман, бу ишни ёшларнинг индивидуал талабидан келиб чиқиб амалга ошириш зарур. Бир миллионта дастурчини тарбиялаймиз, деб эртага ҳаммани ёппасига IT-парклар ёки робототехника тўғраракларига жалб этиш ярамайди.

Бугун микдор ортидан қувиб сифатни эсдан чиқараётгандекмиз. Ваҳолан-

ҲАР ЁНДА ГЎЗАЛЛИК



Уларни замин шифокорларига менг-зашади. «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг азамат мутахассислари айни чоғда ер майдонларининг шўрини ювиб, зах, сизот сув балосини даф этиш орқали минтақадаги кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликлари мушқулини осон қилмоқда. Бундан ўз навбатида аҳолининг кўнгли тоғ мисоли кўтарилмоқда, даромади йил сайин ортиб борапти.

«Ризқи она-ерга сепилган халқим...»

*Менинг она халқим, Эй, қадим ҳалол,
Ризқи она-ерга сепилган халқим,
Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол,
Ҳар битта эгатга эзилган халқим.
Бир нафас бошингни кўтаргину боқ;
Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз,
Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувноқ,
Хушфёъл бўлиб келмиш
тупрогингга куз...*

Дарҳақиқат, халқ шоири Абдулла Орипов лутф этганидек, бугун диёри-миз тўкин, фарахбахш олтин кузнинг оғушида. Аслида меҳрибон, жонфидо онаизорга киёсланадиган ушбу фаслнинг кўрки-таровати, файзу сеҳри, сурури ҳеч қандай таърифу-тавсифга муҳтож эмас. Юртимиз далаларида иш қайнамоқда. Йиғим-терим ишлари авжда. Уфқларга қадар чўзилиб кетган ҳад-худудсиз дашту ёбонлар кучоғидаги боғ-роғлар олтиндек товланган меваларини кўтаролмасдан шохларини эгиб турибди.

Бухоронинг кўкка бўй чўзган мовий рангдаги минора ва масжидлари ҳадемай ортда қолди. Уловимиз Жануби-Ғарбда уфққа қадар ястанган сахро кенгликлари сари учиб борапти. Қорақўл тумани билан Бухоро шаҳри маркази саксон чақиримча келади. Текис асфальт йўл илгарилардаги тупрок, ўнқир-чўнқир йўлдан тамомила ажралиб туради. Булутсиз, беғубор куз осмони артилган шишадек тип-тиник. Офтоб қалин экилган дарахтлар ортига энгашишга шайланган бўлса ҳам, куннинг ҳали ҳовури совумаган. Олдинда қум уюмлари пайдо бўлди. Сўнгра гўё денгиз ўртасида ногоҳон кўринган мўъжаз оролдай, ниҳоллари эндигина сабза уриб чиқаётган ям-яшил ғалла майсалари четида қаторлашиб турган чайлалар, ундан ҳам нарироқда эса бир-биридан кўркам, сўлим қишлоқ уйлари, кўкка бўй чўзган тераклар кизариб кўринди. Йўлнинг ўнг томонида учраган бу қишлоқнинг номи Саёт. Айтганча, бу манзилда халқимизнинг ардоқли фарзанди шоир Тилак Жўра туғилган. У бизга бир маҳаллар университетда сабоқ берган эди. Беихтиёр қорақўллик шоир Ғафур Қурбоннинг «Бу юрт ўзбек Нозими – Тилак Жўранинг юрти», деган фахр-ғурурга тўла мисралари ёдга келади.

« Табиатда мувозанат деган жўяли бир қонун бор. Йил йилга ўхшамайди. Бир йил қурғоқчилик бўлса, келгуси йил ёғингарчилик деҳқонларни синайди. Бироқ боя айтганимиз – мувозанат ҳаммасини ўз изига туширади, қутилмаган табиат инжиқлиги бошқа томондан фойдали келади. Мана шундай синовли паллаларда деҳқоннинг ёнида туриб, камарбаста бўлиш ҳаммининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Бу бирдамликни, аҳил ва иноқ бўлиб, ишбилармонлик билан иш тутишни талаб этади. Бугун сўз юритаётганимиз «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси мана неча йилдирки шундай масъулиятли ишнинг бошида турибди.

Чўл манзаралари

Чексиз, бепоён, учи-кети кўринмас Қорақўл саҳроси кенгликлари уфқларга қадар тутшиб кетган. Чиндан ҳам, Қорақўл чўлининг қайноқ қумликлар билан қопланган жуда қатта майдонни ишғол қилган яйловларининг бир учи Хоразм худудларига қадар чўзилиб боради. Айнан шу манзилнинг ўзида серўт яйловлар, серсув қудуқлар, саксовул билан қопланган қалин бутазорлар ҳаддан зиёд кўп. Авлод-аждодаларимизнинг хотирлашича, бир маҳаллар Буюк Ипак йўлидан ўтадиган қарвонлар Темир Қозик юлдузига қараб борар манзилларини белгилаб олишган. Чунки шундай йўл тутилмаса сафар давомида учрайдиган Қорақўл чўлининг одамни жонидан тўйдирадиган изғиринлари, довуллари қарвон йўлидаги сўкмоқ ва яна бошқа ҳар қандай изни супуриб кетиши ҳеч гап эмас. Шундай



маҳалда чексиз саҳрода порлаб турган Темир Қозик ситораси сарбон бошчилигидаги юк ортилган сон-саноксиз туялар қарвонига беҳато манзил вазифасини ўтаб келган.

Тандирдек қизиган офтоб саҳрони оташ селга кўма бошлади. Ажабки ана шундай сел бағрида бир-бирига тирмашиб, қоришиб кетган қум уюмлари ҳар қачонгидан ҳам совуқ ва жонсиз бир денгизни ёдга солиб юборарди. Бундоқ олиб қараганда, «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти директори, тажрибали ирригатор Рустамжон Хусеновнинг ичини кемираётган, ўйлантираётган ўй-хаёллари мана шу асов Қорақўл саҳроси табиатида жуда-жуда ўхшаб кетади. Гоҳ бу ўйлар саҳро бағрида ястаниб ётган қум зарраларидек осойишта, хотиржам туюлади. Баъзи-баъзида эса ўзи билан тунов кунни ҳоли ўтириб суҳбатлашган «Ўзсувқурилиш» акциядорлик жамияти раҳбарининг мағзи тўқ гапларини эсига олиб, беҳосдан, бемаврид кўтарилган чўл тўфонидай, ўй-хаёллари ағдар-тўнтар бўлиб кетади.

Булар орасида тунов кун республика ташкилоти раҳбари ҳамда вилоят хокимининг дабдуристдан кўтариб, кўзгаган гаплари хушёр тортирди:

«Рустамжон иним, ўзингиздан қолар гап йўқ, экин экиб, ризқ-рўз битадиган она ер узок вақт давомида касал одамдек, дардчил, банги бўлиб қолди. Оқибат экин экиб, ундан кўзлаган рисоладаги ҳосилни олишнинг сира-сира иложи бўлмай қолди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Шу сабаб – калтакнинг бир учи албатта, сиз билан бизга ўхшаган соҳа ходимлари бошида синиши турган гап. Халқ билиб айтганидек, «Ўрмонга ўт тушса хўлу куруқ бирдай ёнади». Шу важдан бундан буёғига қўли қадок, тупрок тирнаган оддий меҳнат кишисининг мушқулини аритишимиз даркор. Улар биздан ҳеч маҳалда норози бўлмасин. Бас шундай экан, чекингишга тушган масъулиятли ва айни паллада шарофли бўлган вазифани бекаму-кўст, ўз

ри Рустамжон Хусенов дадил бир тарзда. – Гап шундаки, бугун мавжуд канал ва коллекторларни, зовур ва захкашларни янгитдан қазиб, таъмирлаш ва тозалаш сингари долзарб масалалар хусусида юқори раҳбарлар билан бафуржа гурунглашдим. Мен жамоа раҳбари сифатида сизларни номингиздан қатта гапириб юбордим. Бу ерга оёғимни қўлимга олиб, чопиб келишимнинг боиси ҳам аслида шунда.

Азаматлар бу гапни тинглаб, бирдан жонлана кетишди. Кейин бири қўйиб, бир олиб «Биз сизни юзингизни ерга қаратиб, уялтириб қўймаймиз. Бу масалада кўнглингиз тўқ бўлсин. Ишонтириб айтаемизки, йил охиригача режани ўн иш кун аввал урдалаймиз. Насиб этса бунга имконимиз етарли». Шу тупроқнинг жон аямас тарлонлари, бургутларининг бу сингари қанотли сўзлари Рустам оғанинг кўнглини тоғ мисоли кўтариб юборди. Беихтиёр йигитларга меҳри товланиб кетди.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг берган ваъдаси устидан чиқиши осон, сип-силлиқина бўлгани йўқ. Бунинг учун эрта баҳорнинг шовуллама ёмғири, ёзнинг қайноқ, одамнинг нафасини қайтарадиган оташига, кеч кузнинг этни жунжуқтирувчи изғиринларига, кишининг аёзларига дадил ва мардона чидаб тер тўкишга тўғри келди. Аслида бу фидойи инсонлар ўзи учун қилаётгани йўқ бу ишларни. Шу Қорақўл тумани аҳли, шу қишлоқ эли учун қиляпти!

Куздаги меҳнат масъулияти

Жўшқин, асов, доимо шовуллаб турадиган Амударёдан қудратли улкан насослар кўмагида тортиб олинаётган бир анҳор сув дам офтобда қумуш монанд ялттираб, дам ариқ остидаги гиёҳлар рангида ажиб бир тусда товланиб, дарёдай хайкириб оқяпти. Чиндан ҳам, «Сумбула кирса сув совур» деган мағзи тўқ гап бежиз айтилмаган. Қуёшнинг тафти қайтди. Тунлари изғириндан эт жунжикади.

Бобом болалигимда қулоғимга қуярди: мева-чевалар айнан сумбулада қуришиб туршак қилинса, унинг мазаси бўлакча бўлади. Ҳаётини тажрибада бу гапнинг ҳечам муболаға эмаслигига амин бўлдим. Елини қатта ола говмишдан соғиб олинган сут бу фаслда қаймоққа айланади. Кузги сутни қуёвга бермагин, деган гап худди шундан қолган. Кузнинг майин шамолида боғу полиздаги сабзавот-мева борки, ёппасига ширага энади. Қовун-тарвузга пичоқ учи тегса «тарс» ёрилади.

Рустамжон оға тўкин кузнинг бундайин дилтортар турфа манзарасидан таъсирланди. Гарчанд кечаю кундуз, қишин-ёзин тиним билмай ишлаётган, умри ана шу чўлу биёбон манзилларида ўтаётган бўлса-да ҳеч маҳал турмушдан, кўрган кунидан зорланмайди, аксинча доимо шукр қилади.

«Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда бир юз йигирма киши меҳнат қилади. Асосан Олот, Қорақўл, Жондор туман-

вакти-соатида удралашга киришинг!...»

Ҳа, Рустамжон Хусенов олдида турган ишлар чакана эмас. Қорақўл туманидаги «Ғарбий Қорақўл» коллекторининг 188,9 километридаги таъмирлаш ва тиклаш ишларини йил сўнгига қадар тугаллаш зарур. Биргина мазкур иншоотда йил сўнгига қадар 2 миллиард 245 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилади. Бу ишнинг якуни ҳам, қутилган натижа ҳам шунга яраша улкан.

Рустамжон оға мана шу гапларни окизмай-томизмай йигитларига етказиш учун машинасини тўғри бийдай далага бурди. Бир-биридан чаккон, эпчил йигитлар, айниқса, экскаватор ва бульдозер ҳайдовчилари уни очик чехра билан кутиб олди. «Хўрма-бор бўл» қилинган, ҳазил-хузил гаплардан сўзлаб, роса уларнинг кайфиятини кўтарди. Бу раҳбар билан жамоа ўртасида илиқ, самимий муносабатдан дарак.

«Йигитлар, очиғи, менинг сизлардан пинҳона тутадиган ҳеч қандай сирим йўқ, – деди «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти директо-

ЁЗМИШ ДАФТАРИН

ларида фаолият юритади. Агар зарурат туғилгудек бўлса, вилоятнинг бошқа манзилларида ҳам иш олиб боради.

– Ҳар қандай ишга аввало, эътибор, тартиб-интизом билан ёндашмаса бўлмайди. Шундай йўл тутилмаса, қутилмаган жойдан панд еб қолишингиз, бевурд бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас, – дейди **«Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти директори Рустамжон Хусенов.**

– Шу мақсадда Қорақўл туманидаги «Ғарбий Қорақўл» коллекторини таъмирлаш-тиклаш ишларига 2 миллиард 245 миллион сўмдан зиёд, Олот туманидаги «Бош Қорақўл» коллекторини таъмирлаш-тиклашга 1 миллиард 969 миллион сўмдан зиёд, Олот туманидаги Тайқир-2 каналини реконструкция қилишга 4 миллиард 185 миллион сўмдан зиёд, туманлараро «Яманжар» каналини реконструкция қилишга 9 миллиард 811 миллион сўмдан зиёд (*мазкур канал «Бухоросувқурилишинвест» давлат унитар корхонаси буюртмачилигида барпо этилмоқда*), Жондор туманидаги «К-17» коллекторига насос станцияси қуришга 472 миллион сўмдан зиёд, Олот туманидаги «Хўжадавлат» каналига насос қуришга 1 миллиард 103 миллион сўм, Қорақўл туманидаги «Саёт» каналига насос қуриш ва «Ўнг тўсувчи» коллекторига насос станцияси қуришга 4 миллиард 144 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бу ишлар урдалангач аҳоли ва фермер хўжалиқларининг кўп йиллик қийинчиликлари барҳам топадиган бўлди. Аслида бу ишни амалга ошириш маҳали масаланинг ана шу жиҳатларини эътибор марказидан четда қолдирмаган эдик.

...Қорақўл чўлидаги сон-саноксиз кум уюмларини шамол тўзғитиб ўйнайди. Гўёки табиатнинг бу ўйини атайлабдан, ўчакишиб қилаётгандай туюлади кишига. Кум уюмлари ортидан ям-яшил, яшнаган оромжон боғлар, ям-яшил бедзорлар, одамни яшириб, кўмадиган, ўрмондай тиралиб турган жўхоризорлар кўзга ташланади. Шу чоғ бирдан димокқа қуриган беда, какра ва турфа ёввойи гиёҳларнинг сал тахир ва хуш бўйи гуп-гуп уфуради. Осмон у фалакда қушларнинг шовқини тинмайди.

Қандим оралаб юрган йўллар

Қадимий Қорақўл тупроғида озиқабоб буталар қатори қандим ўсимлиги ҳам жуда кўп учрайди. Қандим апрелдан то сентябргача гуллайдиган юлғунга сираям ўхшамайди. У фақатгина ёзнинг сўнгги ойи ниҳоясида қип-қизил бўлиб гуллайди. Аҳамиятлиси, қандим баҳор энди юз очган паллада оч кизил, пушти рангда чиройли ва нафис гул таратади. Уни мен саҳронинг суксурдай, сулув ва нозли келинчагига ўхшатаман. Лекин нима учундир дала-даштарни кўп кезган бўлишимга қарамай бу ўсимликка ҳечам дуч келмаган эканман.

Пойкент яқинидаги темирйўл бекати атрофи улкан санаот базасини ёдга солади. Айни шу манзилнинг ўзида «Бухоро – Олот» темирйўл тармоғидан ўнг тарафга янги йўллар чиққан. Бу йўллар сизни нақд қирқ беш қақиримдан сўнг Қандим газни қайта ишлаш мажмуасига етказди.

Юқори туман экинзорларидан чиқаётган сизот сувлар... Саҳродаги йўллар

томон оқаётган катта-кичик ҳажмдаги зовурлар... Юлғун қоплаган далалар... Бош коллектор ўтган жойда, улкан кўприк қуриб битказилди, ён-агрофи ободонлаштирилди. Кум барханлари оралаб ўтган йўлнинг ҳар икки тарафидидаги кўчма кум ҳалқасидан сақлайдиган кўплаб қамиш пояли четан тўсиқлар қадаб чиқилди. Эътиборлиси, бош коллектор ўтган бу жойлардаги ободонлаштириш ишларида бошқа жамоалар қатори «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоаси ҳам белни маҳкам боғлаб хизмат қилди.

Ростини айтганда, «Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти директори Рустамжон Хусеновнинг умри беҳуда, бемақсад ўтаётгани йўқ. То шу кунга қадар гоҳ қора бўруну тўфонлар орасида қолиб, гоҳида жазирама офтоб тағида жазганак бўлиб қилган ишлари, барпо қилган канал, зовур ва коллекторлари, хуллас калом меҳнатлари зое кетмагандан доим фахрланади. Мана у бирварақайига эл-улуснинг олқишига, алқовига лойиқ кўрилиб, меҳнатининг илк меваларини тотяпти.

Ҳа, чиндан ҳам, инсон боласи ширин каломнинг, илиқ муомаланинг гадоси экан. Эл-улуснинг бир оғизгина ширин сўзи билан чеккан ҳамма азоб-уқубатлари эсдан чиқиб кетар экан. Ишқилиб, бундан буюғига ҳам, Махтумқули «Урса-ям, сўксаям эл яхши», деб ёзганидек эл назаридан бенасиб қилмасин.



...Ҳеч қутилмаганда, бехосдан осмон у фалакни қоплаган қора довул бутун қаҳри, кум ва тўзони билан қатор қилиб қурилган уйларга, маъмурий иншоотларга ёпирилди. Томлар қаттиқ ларзага келди. Эшик-деразалар кучли бир тарзда қалтираб, чил-чил бўлиб синган ойналар минг бир тикан бўлиб юзларга санчилди. Чироклар лип этиб ўчиб, ҳаммаёқни қоронғулик қоплади. Бўрон тобора қутириб, баҳайбат девдек зарда билан тинмай ўқиради, саҳро эса мудҳиш бир гирдобга айланди қолди. Бундай табиат синови одамларни анча хушёр тортирди.

– Аслида шу йил апрель охиридаги сингари довул биринчи марта бўлаётгани йўқ, – дейди **«Қорақўлмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Хусен Ашуров.** – Авваллари ҳам шунга ўхшаш қора тўфон туриб, не азоблар билан қазиган арик ва зовурларни емириб кўмиб кетган эди. Шунда бор кучни ишга солиб, 17 та экскаватор, 5 та бульдозер, битта тролейр, битта



автотиягач, ҳамда бошқа техникалар (*уларнинг жами сони қирқтага етади*) кучидан фойдаланиб, кечаю-кундуз миң-жа қоқмай арик ва зовурларни қумдан, балчиқдан тозалаб чиққандик. Бунинг учун етарлича техника ва ишчи кучи ажратилди. Шу тариқа ишлар ўз маромига тушди.

Жамоада узоқ йиллардан буён тер тўкаётган экскаваторчилар Комил Ҳакимов, Фурқат Сатторов, Бобожон Эргашев, бульдозерчилар Илём Фузаффаров, Асқар Ражабов техника тилини яхши тушунади. Шу ваздан ҳам бажарган ишида унум ва барака бўлади, сирасини айтганда, ерни дардан халос этиш уларнинг асосий мақсадига айланиб улгурган.

Жамоа томонидан 2019 йилда 21 миллиард сўмлик ва 2020 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра 17,2 миллиард сўмлик ирригация ва мелиорация тадбирлари бажарилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 23 миллиард сўмга етказилади. Аҳамиятлиси, биргина 2019 йилнинг ўзида зовурларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш ҳисобидан 5360 гектар, реконструкция қилиш ва янгитдан барпо қилиш ҳисобидан яна 514 гектар экин ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бундан ташқари, 2020 йилда зовурларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш ҳисобидан 3 миллиард сўмдан ошиб 284 километрдаги зовурлар тизими таъмирланди ва 3672 гектар ернинг ҳолати яхшиланди.

экскаватор, 1 та бульдозер, 1 та «Белорусь 80-10» русумли трактор лизинг асосида олинди. «Бетон қориш ускунаси ва автотиягач, шунингдек, иккита экскаватор, битта бульдозер харид қилиш ниятимиз бор», дейди жамият механиги Эркин Холмама-тов. Шубҳасиз, мазкур техникалар иш жараёнида жуда ҳам асқатади.

Пойкентга саёҳат

Пойкент харобалари... У Қорақўл туманидаги Тошкент фермер хўжалиқлари уюшмасининг саҳрога туташиб кетган худудларида кўним топган. Йигирма гектардан ортиқ майдонни ишғол этган ушбу қалъа шаҳар ўрта асрларда айниқса гуллаб-яшнаган. Аҳолиси асосан савдогарлик билан машғул бўлган. Темирчино қосиблар, зардўст ва заргарлар қўл меҳнати билан ясаган буюмлари Мағрибу Машрикда ном қозонган. Пойкент Буюк Ипак йўлида жойлашгани боис, шаҳар бозорларида араб, хитой, ҳинд, форс, афғон, фаранг, олмон савдогарларини кўплаб учратиш мумкин бўлган. IX-X асрларга келиб Зарафшон дарёсининг суви кескин камайиб, тортилиб кетади. Оқибатда тириклик сувисиз қолган Пойкент таназзулга юз тутайди. Шаҳар аҳли канал қазиб, сув келтиришга астойдил тиришиб-тирмашади. Аммо барча меҳнат беиз кетади. Сув келтириш имкони бўлмагач, шу ерлик аҳоли бошқа манзилларга кўч-кўронини ортиб кетишдан бошқа илож тополмайди. Шу тариқа Сўғдиённинг тўнғич шаҳарларидан бири – Пойкентни тарам-тарам, эшма кум барханлари ўз домига ютиб юборади.

Муҳаммад Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» китобида ёзади: Агар бирор-бир бухоролик Бағдодга борса ва ундан қаерликсан деб сўрасалар, «Пойкентданман» деб жавоб берар экан. Бундан чиқди ўша кезлари Пойкент шаҳри шу даражада ном чиқарган. Ана шу кент харобаларида Ўзбекистон Фанлар академияси Архелогия илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи илмий-ҳодимлари билан ҳамкорликда археологик қазилма ишларини олиб бораётган экан.

Айтганча, бир маҳаллари Пойкентда ҳам худди Бухородаги сингари минора қад ростлаб турган экан. Қазилма чоғида қадимшунослар ўша миноранинг пойдеворини топишга муяссар бўлишди. Шунингдек, чуқурлиги ўн етти метрга етадиган тош қудуққа ҳам дуч келинди. Топилган барча ноёб буюмлар – қўзалар, шиша идишлар, сопол лаганлар, қурул-аслаҳалар, шубҳасиз, қадим аждодларимиз ҳаёт тарзи, касб-кори, шаҳрсозлик ҳақида янгидан-янги маълумотларни беради. Ана шу қадимий осори-атикаларни хорижлик сайёҳлар ўз кўзи билан кўриб завқлансин, деган мақсадда Пойкент халқаро туристик йўналишга киритилган. Кўпгина ноёб экспонатларни жамлаган музей биноси барпо этилди.

Рустамжон Хусенов доимо Бухорийдек табарруқ зот вояга етган манзилда (*Пойкент назарда тутилган*) туғилганидан қалбда чексиз фахр-ифтихор ҳиссини туяди. Қўли ишдан сал бўшади дегунча, Пойкент харобаларини пиёда кезади. Шу жойдаги осори-атикаларга тикилган кўйи ўтмишга саёҳат қилади. Ахир инсон ўз манзил-маконини, ота-болалари ақл-тафаккури ила яратилган қадимий обидалар тарихини миридан-сиригача пухта билиши ҳам керак эмасми. Зеро, бу кишига янги куч, ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ОТАГА МУНОСИБ ЎҒИЛ

Ота...

Қисқагина бу сўз ҳар биримиз учун қанчалар катта маъно ва мазмун касб этишини кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Аслида эса, тарих ривоят қиладиган Одам Ато ва Ҳазрати Исони айтмас, инсон отасиз туғилмайди. Тақдир тақозоси билан отасиз вояга етиб, оёққа туриш, мустақил ҳаётни йўлга қўйиш, қиз бўлсин, ўғил бўлсин – фарзанд учун нечоғли азоб-уқубат билан амалга ошиши ўша одамнинг ўзигаю биргина Аллоҳга маълум. Демак, ҳар қандай жамият тараққиёти учун оталик бурчи – бағоят масъулиятли ва ниҳоятда муҳим масала.

Инкубаторда очирилган жўжа умрида ота-онасини кўрмаган бўлса ҳам, туҳумдан чиқиши биланок товуклигини қилаверади, оппоқкина идишга солинган тозагина кепакни оёқлари билан тита-тита, ҳамма ёққа соча-соча ейди...

Албатта, инсонда туғма истеъдод белгилари бўлмаса, ундан улуг одам чиқиши амри маҳол. Бироқ буюклик аломати билан дунёга келган болани фақат ва фақат тарбия ва яна тарбия билангина улуглик пиллапоёлари сари йўллаш мумкин.

Баъзилар бола ўз-ўзидан камол касб этиб кетаверади, уни ёшлигида ўз эркига қўйиш керак, ҳозирча болалик гаштини суриб қолсин, деб ҳисоблайди. Йўқ! Боланинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар қадами тарбиячи назоратида бўлиши шарт. Лекин буни боланинг эрklarини бўғиш, унинг болалик гаштини суришига йўл қўймаслик деб тушунмаслик лозим.

Агар ҳар бир оилада ота-ўғил муносабатлари юксак инсоний маданият даражасига кўтарилмас экан, отанинг ҳам, ўғилнинг ҳам, хонадондаги бошқа аъзоларнинг ҳам ҳаётида ҳаловат йўқ, деяверинг.

Бу – ҳаётнинг жиддий масалаларидан бири. Бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Агар ота маърифатли бўлса, ўғлини болалигидан яхши тарбия билан вояга етказа олса, ўйлаймизки, ҳаётда ҳамма ҳавас қиладиган ота-ўғил муносабатларига эришиш мумкин.

Ота – ўғил олдида хаддан ташқари бурчдор. Лекин бу, фарзанднинг камоли учун ҳамма ишни ота қилиб бериши керак, дегани эмас. Мутлақо.

Бошқа бир жиҳат ҳам бор. Худо умр берса ва имкони топилса, ота ўғил олдидаги бурчларини бажариб улгуриши мумкин. Аммо ўғил – ота олдида шу қадар бурчдорки, унга юз йил яшаш на-сиб этса ҳам, бу бурчини, бажариб адо қилдим, деб ҳисоблашга ҳақки йўқ.

Яна бир гап. Ҳеч қачон фарзанднинг ота ахволини ҳисобга олмай туриб ундан ноўрин нимадир тама қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Отанинг ўғилдан норози бўлишидан кўра, ўғилнинг отадан домангир бўлиб қолиши – осонроқ. Чунки кўпинча ёш кишининг ҳаёт ҳақида, унинг машаққатларини мураккабликлари хусусида, энг муҳими, отанинг имкониятлари тўғрисидаги тасаввурлари ҳамиша ҳам мавжуд воқеликка мос бўла-вермайди. Энг хавфли нарса – фарзанднинг ота имкониятлари ёки унинг ўғли олдидаги бурчларини керагидан ортиқ баҳолашида. Ана шу ғайри тасаввур, албаттаки, натижа кутади. Бир кун келиб ўша натижа чиқавермагач, ўғил сабабини имкониятдан эмас, кўпроқ отасидан кўради. Бу отани бағоят оғир аҳволга солиб қўяди. Ўғил эса асосиз равишда отадан ранжийди.

Баъзилар бола-чақани қандай ва қаердан боқаётганини ўғил-қизларидан сир тутати. Бунга ҳам турли-туман сабаблар бор, албатта.

Асосий сабаб шуки, истайсизми-истамайсизми, қонунлардан ҳам, эътиқодлардан ҳам устун турадиган бир умумий мезон мавжуд. Бу – ҳар бир отанинг ўзигагина маълум бўлган бола-чақасини ўйлаб уйига олиб келаётгани ризқнинг ҳалол ё ҳаром йўл билан топилаётгани масаласи. Очиғини айтганда, ҳаромхўр-



лиги билан мақтанишни ҳамма ҳам истайвермайди. Чунки ҳаромни дин ҳам қоралайди, қонун ҳам ман этади. Кўпчилик эса, топар-тутарининг ҳаромлигини юз фоиз билса ҳам, уни бошқалар, хусусан, фарзандларига ҳалолга йўйиб тушунтиришни жуда яхши кўради.

Баъзилар қаердан бола-чақа боқаётганини ўғил-қизларига билдиришни, миннат қилиш бўлади, деб ҳисоблайди. Йўқ! Фарзанд, хусусан, ўғил улғайгани сари, отасининг қандай кун кўраётганини билиб, ўрганиб, имкони бўлса, унга қўмаклашиб бориши керак. Шунда ўғил ота меҳнатининг кадрига етадиган бўлади. Ундан ҳам керакли томони шуки, ўғилнинг ўзи ҳам оддийгина ҳаёт кечириш ҳам амалда тинимсиз меҳнат қилишни тақозо этишини онг-тафаккурига сингдириб боради. Эшитишимизча, ривожланган ҳорижий мамлакатларда кўп миллионерлар ўғилларига ҳаётни, меҳнатни ўргатиш учун уларни заводларининг энг қора ишида ишлатишдан бошлар экан...

Ахир, кўп инсонлар бахтсизлигининг асосий сабабларидан бири айнан

ана шу дангасалик, меҳнат қилмай кун кўришнинг пайдан бўлиш оқибати эмасми?! Одам ҳам Аллоҳ яратган бир жонзот эканми, у ҳам ризқ-рўз учун жон куйдиришга мажбур. Қушларни олинг. Тонг отмасидан улар уйғоқ. Қуни бўйи учиб-елиб, ўзига ризқ излайди. Бир кун дангасалик қилсин-чи, холи нима кечар экан?!

Одам боласи эса — ақлли жонзот. Ақллиги учун ҳам у барча жонзотларнинг сарвари. Лекин худди ана шу ақл баъзилар, эҳтимолки, жуда кўпчилик онгида тинимсиз ишламай тишлашнинг йўллари излаш кайфиятини пайдо қилган. Жамиятдаги аксар қарама-қаршиликлар, жуда кўп ижтимоий муаммоларни айнан шу кайфият келтириб чиқараётган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Ҳозир меҳнатга лаёқатсиз ёшларнинг кўпайиб кетгани нимадан? Қисман – фарзандларнинг оталари топгани орқасидан кун кўришга ўрганиб қолганидан. Лекин, ахир, кишини қачонгача отаси боқиши мумкин? Ўн саккиз-йигирма йилнинг ўтиши қийинми, дейсиз?! Ана-мана дегунча ўғил йигит бўлади: қад-қомати келишган, бўйи – бўйингизга баравар... Лекин, қай кўз билан кўрингки, шундай меҳнатқаш отанинг боласи ҳаётнинг бирон-бир эҳтиёжига ярамайди: икки қўл – чўнтакда, тумшукда – сигарет, қулоғида – гўшак, на бирон касб эгасининг этагини тутган, на бирон хунарнинг. «Берсанг – ейман, бўлмаса – йўқ!», – деб ўтирибди. Ана шунда ота пешонага уради: афсус, энди жуда кеч бўлган.

Абу Али ибн Синога олиб келинган чақалоқнинг ота-онаси-ку уч кунгина кечиккан эди, бироқ энди ўн саккиз-йигирма йиллик кечикишни қандай тузата-сиз? Бу фақат ўғилнинггина айби эмас. Демак, отанинг ўғли олдидаги энг муҳим бурчлари сирасига, биринчидан, унга меҳнат қилишни ўргатиш, иккинчидан, ишламай тишлаш кайфияти авж олиб кетишига йўл қўймаслик бўлса керак.

Оталик бурчи кишига кўп улуг масъулият юклайди. Моҳиятидан келиб чиқилса, аниқ бўладики, бу – фақат ўғил эмас, аслида, бутун юрт ва жамият олдидаги юксак масъулиятдир.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими аълочиси

БИЗ ЭЪТИБОР ҚИЛМАЙДИГАН СЕҲРЛИ СЎЗ

У эрни ҳам, хотинни ҳам ўзгартира олади

Ширинсўзлик, гўзал муомала ҳар доим бахтиёрлик омили бўлиб келган. Бу каби сифатлар нафақат эр-хотин, ота-бола, она-бола, қўни-қўшни, қариндош-уруғ ва оға-ини ўртасида, балки жамиятдаги ижтимоий ва маънавий жараёнларнинг барчасида ўз самарасини беради. Чунки сўзда сеҳр бўлади. Бир сўз ёки гап билан инсон кўнглини вайрон ё нурафшон қилиш мумкин.

Ҳаётда шундай ишлар борки, уларни пул билан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Агар бадавлат бир инсон бемор бўлиб ётган бўлса, қандай дори ичса ҳам дардига малҳам бўлмаётган бўлса, айтингчи, унга мол-дунёси ёрдам берадими? Шундай вақтда беморнинг дўстларидан бири келиб, унга ширинсўзлик билан кайфиятини кўтарадиган, келажак учун умид уйғотадиган гапларни айтса, беморда ўзига нисбатан ишонч, дардига даво борлигига умид пайдо бўлади. Бунга нима сабаб? Албатта ширинсўзлик ва гўзал муомала. Ҳатто бобомиз Ибн Сино ҳам ўз китоб-

ларида ҳар қандай беморни даволашда учта муҳим ишни амалга ошириш кераклигини таъкидлаб, энг аввало ширинсўзлик ва гўзал муомала зарурлигини билдирганлар.

Бу гўзал ахлоқий сифат бугунги кунда айниқса эр-хотин орасида муҳим аҳамиятга эга. Тасаввур қилинг, агар сиз толиб, кайфиятингиз бузилиб, ишдан келганингизда аёлингиз барча ишини ташлаб, табасум қилган ҳолда «Ассалому алайкум, дадаси, чарчамасдан яхши келдингизми?» деса ва қўлингиздаги нарсаларни олиб, «тез кийимларингизни алмаштириб олинг, овқат тай-

ёр, жуда чарчаб кетган бўлсангиз керак, бизга у керак, бу керак дея сизни қийнаб юбордик, ҳечқиси йўқ, бироз дам олсангиз чарчоқларингиз чиқиб кетади» деб, кутиб олса, аниқки, сиз ўша кунги барча йўлиққан асаббузарлик ва қийинчиликларни эсдан чиқариб юборасиз ва кайфиятингиз чоғ бўлади. Демак, кайфиятингиз чоғ ва хурсанд бўлишингизга аёлингизнинг ширин сўзларини гўзал муомаласи сабаб бўларкан.

Шу ўринда тан олиб айтишимиз керакки, ширинсўзлик деганда бу фақатгина аёлга тегишли бўлган фазилат деб ўй-

лаймиз ва уни аёлимиздан талаб қиламиз. Бу оила кўрғонидаги хато фикр. Ширинсўзлик эркакда ҳам бўлиши зарур. Сиз эрталаб ишга чиқиб истаган таомларингизни тановул қилиб, дўстларингиз даврасида зерикмасдан кунни ўтказасиз. Аёлингизчи? Уй ишлари, кир ювиш, уйни саранжом қилиш, болалар инжикликларига чидаш ва сиз келишингизга сиз хоҳлайдиган қилиб, уйдаги бор масалликлардан овқат тайёрлаш керак. Ҳар кунги бир хил иш. Ана шу ишларни бажариб, жуда чарчаб турган бир маҳалда сиз қариб келиб, салом бериб, «Яхши ўтириб-сизларми, уйлар саранжом-сарашта-ку. Қани, онаси, қорним оч, тайёрлаган таомингни олиб кел. Бирга овқатланамиз» деб, овқатидан егач, гарчанд сиз кутгандай бўлмаса ҳам «жуда ҳам ширин чиқибди»,

десангиз — олам гулистон. Аёлингиз ҳам сизнинг бу гапларингиздан шу кунги барча чарчоқлари эсидан чиқиб, худди рўзғор ишларини энди бошлагандай кучга кириб, кайфияти кўтарилади. Билингки, бу кайфият кўтарилишига сизнинг ширинсўзлингиз сабаб бўлади. У ҳам инсон, у ҳам ўзига яхши муомала қилишини ва эътибор берилишини хоҳлайди.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу иш на эрга ва на аёлга қийинчилик туғдиради. Амалга ошириш жуда осон бўлса-да, кўпчилик унча эътибор бермайдиган, аслида энг муҳим ишлардан бири.

Халқимизда бундай бир мақол бор: «Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан пичоқ қинидан». Келинг, ота-онамиз, ака-укамиз, опа-синглимиз, қўни-қўшнимиз, қариндош-уруғимиз, фарзандларимиз ва аҳли аёлимизга нисбатан ширинсўз бўлишни унутмайлик. Шунда улар ҳам бизга нисбатан ширинсўз бўлади.

Яхё АБДУРАҲМОНОВ

ОЛМАСИЗ «ОЛМА ШАРБАТИ»

Танамизни алдаш аянчли оқибатларга олиб келмайдими?

Кексайган сари соғлиғингизда муаммолар пайдо бўлиб бораверар экан. Икки-уч йилдан бери вақти-вақти билан бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Шифокорларга учрайман, «давления»ни ўлчашади – ҳаммаси жойида. Ўзимга қарайман – парҳез сақлайман. Бироз яхши бўламан-да, кўп ўтмай, яна бошим оғрийд.

Куни кеча ҳам шундай бўлди. Бир тадбирда иштирок этдим. Эртаси куни бошим оғриди. Қон босимим яна жойида. «Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб» деганларидек, қасалимнинг сабабини ўзим топдим. Ўша тадбирда картон идишга солинган шарбат ичган эдим. «Демак, бу ичимлик табиб эмас экан, яъни унга таъм берувчи моддани ҳаддан зиёд кўшиб юборишган ёки унинг таркибида соғлиғимиз учун зарарли моддалар бор», деган хулосага келдим. Чунки, таҳлил қилиб чиқсам, бошим ҳар гал картон идишдаги шарбатни ичганимдан кейин оғрийд.

Нима учун нафақат болаларимиз, балки ўзимиз ҳам тез-тез касал бўляпмиз? Бунга сохта маҳсулотлар истеъмол қилаётганимиз сабаб бўлмаётими? Ахир, хориждан келадиган газланган ичимликлар, шоколад-у конфетлар, хид ва таъм берувчи моддалар бизнинг иммунитетга салбий таъсир кўрсатаётгани аниқ-ку. Бизнинг организмимиз табиб маҳсулотларга

ўрганиб қолган. Сохталари организмни ишдан чиқариши аниқ.

Шу ўринда айтиш керакки, таниқли қизиқчилардан бирининг иштирокида ТВдаги рекламани ҳеч ҳазм қила олмайман. «Хотин, мева ейсанми?...» дея сўрайди. Гап бу ерда табиб маҳсулотлар ҳақида эмас, балки ўша меваларнинг таъмини берувчи сакич ҳақида бормоқда.

Болалигимни, ёшлигимни эсламан. Ҳозирги болаларга ўхшаб сохта эмас, табиб маҳсулотларни истеъ-



мол қилардик. Эрталаб чойга албатта сут кўшиб ичардик. Уни ширчой дердик. Дўкон сариеғи ширин бўларди, аммо барибир ўзимизнинг шўртаси сариеғимиз мазали эди. Ҳамон қишлоқ сариеғини соғинаман, шаҳарга келадиган қариндошларимдан сугир сариеғини, қишлоғимиз курутини олиб келишларини илтимос қиламан. Нега деганда менинг организмим ўша табиб сарекка ўрганган. Гоҳ-гоҳида истеъмол қилиб туриш керак. Биз ейдиган мевалар, сабзавотлар ҳам табиб эди.

Олма, шафтоли, олхўридан коки, ўриқдан туршак қилиб, қишга олиб кўярдик. Қишда мана шу қуруқ мевалардан шарбат қилинарди. Бекорчиликдан ҳам ичардик.

Эрталабки нонуштамиз сариеғ суртилган нон, майиз, туршак билан бўларди. Тушликда эса таом билан албатта аччиқ-чучук бўларди. Помидор ҳам, бодринг ҳам ўзимизда етиштириларди. Шу сабабли бизнинг авлод вакиллари орасида касаллар жуда кам бўларди.

Бу билан нима демоқчиман? Болаларимизни табиб маҳсулотлар билан озиқлантирайлик. Нотабиб, алдамчи ҳид ва таъм берувчи маҳсулотлардан тийилиб турайлик. Чунки улар организмни алдайди, холос.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

«САҲИҲУЛ БУХОРИЙ»ДА

РАСУЛИ АКРАМ МУЪЖИЗАЛАРИ

Ўксиган хурмо ғўласи

II-жилд, 928-ҳадис. *Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳумо айтади:*

«Бир хурмо ғўласи бор эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам (*хутба пайти бориб*), унинг ёнида турар эдилар. У зотга минбар қўйилганда хурмо ғўласидан ҳомиласи ўн ойлик туяларнинг товушлари каби (*овоз*) эшитдик*.

Нихоят, Набий соллаллоху алайҳи васаллам (*минбардан*) тушиб, унга қўлларини қўйдилар (*шунда у тўхтади*)».

* хурмо ғўласи Набий соллаллоху алайҳи васаллам гоҳ унинг ёнида туриб, гоҳ унинг устига чиқиб, хутба қилишларига шунчалик ўрганиб қолган эдики, минбар пайдо бўлганида ўзини тарк этилган ҳисоблаб, қаттиқ ўксиганди.

Қурғоқчиликдан – серсувликка, балодан – омонликка

II-жилд, 933-ҳадис. *Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида одамларга қурғоқчилик етди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам жума куни хутба қилиб турганларида бир аъробий: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мол-ҳол ҳалок бўлди, оилалар оч қолди, биз учун Аллоҳга дуо қилинг!» деди. Шунда у зот қўлларини кўтардилар. Осмонда бир парча ҳам булут кўрмаётган эдик. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, қўлларини туширмаслариданоқ тоғдек булутлар кўзгалди. Кейин у зот минбарларидан тушмай туриб, ёмғир соқолларидан томаётганини кўрдим.

Ўша куни ҳам, эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейинги куни ҳам то кейинги жумагача ёмғир ёғди.

(*Бу гапни жума куни*) ҳалиги аъробий туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бинолар вайрон бўлди, мол-ҳол ғарқ бўлди. Биз учун Аллоҳга дуо қилинг!» деди. Шунда у зот қўлларини кўтардилар-да: «Аллоҳим! Атрофимизга, устимизга эмас», дедилар. Булутлардан қайси тарафдагисига қўллари билан ишора қилсалар, тарқалиб кетар эди. Мадинада ёмғир ёғмай қолди, лекин атрофдаги водийда бир ой сел окди. Теварак-атрофдан келган киши борки, жалани гапирар эди».

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Шаҳарлик меҳмон

Мулланафас қишлоқнинг энг кўзга кўринган, обрўли одами. Уни ҳамма ҳурмат қилади, чунки қишлоқдан чиққан ўқиш-да.

У доим қишлоққа борганида яқинларининг уйига кириб, хол-аҳвол сўраб чиқади. Унинг одати доим бир хил: хол-аҳвол сўраши билан, кўлини дуога очади ва кетаманга тушади.

– Озроқ ўтиринг, Мулланафас ака.

– Майли, бошқа сафар.

У шундай қилиб, уй эгасини дастурхон ёзиб, овора бўлишга кўймайди.



Қариндошлар йиғинида поччаси арз қилди: «Шу Муллага ҳам ҳайронсан. Келиши билан кетаман дейди. Фотиҳага келдим, нима, ҳурматни билмайди, тавба! Шаҳарда яшаса ўзига, ёзилиб ўтирмайдими бемалол. Энди дастурхон ёзаман десанг, ўрнидан туради. Бу ёқда ичишга баҳона топиладию, у одамни ноқулай қилади. Шунча ўқиган бўлсам ақли кирмаган, оддий нарсага калласи ишламайди.

Йиғиндагилар Мулланафасни ғийбат қилишга мавзу

топилганидан хурсанд ҳолда бир овоздан поччани маъқуладилар.

Ҳамма ўз ақллигидан хурсанд.

Сўз

Шоира навбатчиликда ўтирар экан, пўрим кийинган, ўрта бўйли, қорачадан келган бир аёл хонага кирди. Хол-аҳвол сўрашиб бўлгач, меҳмон нолий бошлади.

– Бу ерда бир тузук дўхтир йўқ!..

– Нега, ундай дейсиз. Қўлимиздан келган ҳамма чорани қиляпмиз-ку.

– Э ўргилдим. Ҳеч қайсингиз тузук ўқимагансиз, соҳангизни билмайсиз. Бу қишлоқда тиббиёт ноъ даражада. Биз, бечоралар мажбурдан келиб, аҳмоқона, шубҳали муолажалар қурбони бўлмоқдамиз. Биронта яхши дўхтир йўғ-а бу ерда.

– Ҳар ким ўз фикрига эга, лекин ҳаммани рози қилишга ҳаракат қиляпмиз. Опа, фарзандларингиз бор-а?..

– Албатта, уч паҳлавоним бор.

– Қаерда ишлашади.

– Бозорда, олибсотар.

– Эҳ, аттанг... Ўшаларнинг ҳеч бўлмаса биттасини ўқитганингизда, эди, ўзингиз айтгандай зўр шифокор бўлармиди. Сизгаям қийин, ачинаман, опа.

Бемор нима дейишини билмай секин кўзгалди.

Зикрилла МАМАТОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

УЙҚУ ҚОЧГАНДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Нима учун одамлар «Дунёнинг нариги бурчагида» деган иборани ишлатишади, ахир Ер думалоқ-ку?!

Нима учун дастурхондаги нон ушоғи юмшоқ-мулойиму кўрпачадагиси қаттиқ ва санчилувчан бўлади?!

Дастурчилар дастур тузувчи дастурларни дастур тузувчи дастурлар бўлмаган илк даврда қандай ёзди экан-а?!

«Изохнинг ҳожаги йўқ» деган ибора изох ўрнига ўтиши мумкинми?!

БИЛАСИЗМИ?

Нима учун соатлар айнан соат мили бўйича ҳаракатланади?

... ва бунинг жуғрофияга нима алоқаси бор?

Бизнинг кўзимиз ўрганиб қолган ҳозирги шаклдаги соат кашф этилганга қадар одамлар куёш соатидан фойдаланган. У циферблат (*рақамлар ёзилган соҳа*) ва ўзак устундан иборат бўлган. Устуннинг сояси куёшнинг самодаги



ҳаракатига қараб рақамдан рақамга ўтган ва шу билан вақт аниқланган.

Яна ҳам қизиғи шундаки, шимолий ярим шарда кун давомида устун сояси биз ўрганиб қолгандек соат мили бўйича ҳаракатланади. Жанубий ярим шарда эса бунинг аксини кузатиш мумкин.

Кўриниб турибдики, агар ҳозирги соатларнинг илк аجدоди жанубий ярим шарда кашф этилганида бугун соатларимиз тескари юраётган бўлар эди.

Мана сизга мураккаб саволнинг содда жавоби.

Эълонлар

2002 йилда Тошкент педагогика коллежи томонидан Халдарова Мавлуда Махаматкуловнага берилган 3054-сон билан рўйхатга олинган К № 280329 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**.

2008 йилда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Мамбетова Санобар Мирзавадиевнага берилган 2602-сон билан рўйхатга олинган К № 1080196 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**.

Хулоса чиқаришга шошилманг!



Қишлоқларнинг бирида кекса одам яшаркан. У жуда фақир бўлса-да, тилларда дoston бўлгудай оппоқ оти бор экан. Шундай от эканки, ҳатто қирол ҳам унга ҳасад қилар, қўлга киритиш учун от эгасига кўп мол-дунё таклиф этаркан. Аммо қария отини сотишни хаёлига ҳам келтирмас экан.

Бир куни эрталаб турса, от йўқ эмиш. Қишлоқдагилар қарияникига йиғилиб:

– Бу отни сизга қолдирмасликларини олиб қўйишлари аниқ эди. Қиролга сотсангиз эди, умрингизнинг охиригача беклардек яшардингиз. Энди на пулингиз, на отингиз бор, – дейишибди.

Шунда қария:

– Хулоса чиқаришга шошилмасдан, фақатгина от йўқолибди, холос, деб айтишди. Чунки, ҳақиқат шу. Қолгани сизларнинг ўйларингиз ва чиқарган хулосаларингиздир. Отининг йўқолиши бир толесизликми ёки бир имконми хануз билмаймиз. Чунки бу ҳолат бир бошланиш, холос. Ортидан нима келишини ҳеч ким билолмайди.

Қишлоқ аҳли кекса одамнинг гапларидан роса кулишибди. Аммо орадан ўн беш кун ўтмасдан от кутилмаганда бир кечада жойида пайдо бўлибди. Ваҳоланки, ўғирланмаган, ўзича тоғларга кетган экан. Қайтишида водийдаги ўн икки отни ортидан эргаштириб келибди. Мўйсафид ҳақ экан, отнинг қочиши яхшиликка бўлди, деб, узр сўрашибди қишлоқдагилар.

– Отахон, сиз ҳақ экансиз. Отингизнинг йўқолиши толесизлик эмас, сиз учун бир давлат

куши бўлди. Энди бир сурув отингиз бор...

– Хулоса чиқаришга яна шошиляпсизлар, – дебди қария. – Фақатгина отнинг қайтганини гапиринглар, бор ҳақиқат шу. Ортидан нима бўлишини билмаймиз.

Қишлоқ аҳли бу сафар қарияга очикчасига истехзо қилишмабдию, аммо ичларида бу одам ҳақиқатда аҳмоқ деб ўйлабди.

Орадан бир ҳафта ўтмасдан отларга қараётган қариянинг ёлғиз ўғли отдан йиқилиб оёғи синибди. Қишлоқ аҳли «яна қария ҳақ бўлиб чиқди», дейишибди. Қариянинг олдига бориб:

– Бу отларни деб ёлғиз ўғлингиз узок муддат бир оёғини ишла-толмайди. Натижада сизга қарайдиган бошқа ҳеч ким йўқ. Энди олдингидан ҳам камбағал, бечора бўлиб қоласиз, — деб ваҳима қилишибди.

Шунда қария:

– Сизлар эрта хулоса чиқариш касалига чалинибсизлар, — деб жавоб берибди. — Ҳовликманглар, ўғлимнинг фақатгина оёғи синди, қолгани сизларнинг тахминларингиз. Аммо, ажабо, бу қанчалик тўғри экан?..

Бир неча ҳафтадан кейин душманлар ҳужум қилишибди. Қирол охириги умид билан



қўлига қурол ушлай оладиган ҳаммани аскарликка чақирибди. Қишлоққа келган масъуллар қариянинг оёғи синган ўғлидан бошқа барча қишлоқ йигитларини аскарликка олиб кетишибди. Қишлоқни мотам ўраб олибди. Чунки урушда ғалаба қозониш имконсиз эди. Кетган ёшларнинг ё ўлишини, ё асир тушиб, қул сифатида сотилиб кетишини ҳамма биларди. Қишлоқдагилар қарияга:

– Яна ҳақ бўлиб чиқдингиз, ўғлингизнинг оёғи синган бўлса ҳам ёнингизда. Бизникилар эса балки қишлоққа асло қайта олмас. Ўғлингизнинг оёғи синиши аслида омад экан, – дейишибди.

Шунда қария:

– Билинган ягона ҳақиқат шуки, ўғлим ёнимда, – дебди. – Сизникилар аскарликда. Қайси толесизлик, қайси омад буни вақт кўрсатади...

Абдуқайюм ИСМОИЛ
таржумаси

Ижтимоий тармоқлар оралаб...



Baxtiyor Ollomurod

3 ч. · 🗨️

ОНАНИНГ ТАСАЛЛИСИ

Адашиб-адашиб ҳақ йўлни топган, масжидда шомни ўқиб уйига махзун қайтган ўғил онаизорига ҳаяжонланиб деди:

– Имом тополмаганларидан жамоат номозига кеч борганлар менга иқтидо қилишди. Эҳ онажон, яқин-яқингача қандай ақсиз ва расво ОДАМ бўлганимни билганларидами, улар менинг яқинимга ҳам йўлашмасди! Йиғлагим келаяпти, онажон, йиғлагим келаяпти!

– Болам, ҳеч бир банда бегуноҳ эмас, – дея ўғлини юпатди оқила аёл. – Аллоҳ шундай меҳрибон зотки, унинг меҳрибонлиги олдида оналар меҳри заррача ҳам эмас. Унинг даргоҳи сари қадам қўйсанг, тоғлардан-да оғир гуноҳларингни нафақат бу дунёда, балки киёматда ҳам бекитади, болажоним!..



Gavhar Umarova

2 мин. · 🗨️

АМАЛ ВА ЭЪТИҚОД

Бир неча йил Россияда ишлаб қайтган бир одам айтади:

Борганимдан қурилишда ишлаб бошладим. Анча-мунча билмаганларимни ўргандим. Ён-агрофимдагилар билан дўстлашдим.

Бир куни бир рус танишим кечки овқатга таклиф қилди. Бордим. У ёқ-бу ёқдан суҳбат қурдик. Бироздан сўнг у жавондан ароқ олиб, аввал ўзига, кейин менга қуйиб узатди. Ичкиликдан ичиб, суҳбатни давом эттирдик. Кейинроқ танишим ўзбекларнинг кўпи мусулмон бўлади, деб эшитгандим. Демак, мусулмон эмаслари ҳам бор экан-да, деб қолди.

Мен буни тасдиқлаб: «Албатта, ўзбеклар орасида ҳам, унча кўп бўлмаса ҳам, мусулмон бўлмаганлар бор», дедим.

«Сен ҳам мусулмон эмас экансан-да, билмаган эканман», деб қолди. «Йўғ-эй, мен мусулмонман», деб жавоб бердим, нимага бундай деганини фаҳмламай.

Бирданига унинг кўзлари катта-катта очилиб, даҳшатга тушди: «Ахир, ҳозиргина ароқ ичдинг-ку. Сенинг динингда бу мумкин эмасди-ку. Нимага бундай қилдинг?!»

Очиғи, нима деяримни билмай қолдим. Хижолатдан юзимни қаерга яширишни, кўзимни қаерга олиб қочишни билмасдим...

ЎТКИР НИГОҲ



Коронавирус вакцинаси сотувга чиқарилганда...

Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

ПАЗАНДАЛИК

«ҚУШ УЯЛАРИ»

Керакли масаллиқлар:

300 грамм мол гўшти қиймаси, 300 грамм товук гўштидан қилинган қийма, 200 грамм шампиньон, 3 ош қошиқ сметана, 150 грамм пиёз, 8-10 та бедана тухуми, 1 ош қошиқ хантал дончалари, 1 чой қошиқ ун, 1 та тухум, 3 ош қошиқ майдаланган толқон, таъбга қараб туз ва мурч, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи.

Тайёрланиши: Тоғорачага қийма, сухари, хантал, товук тухуми, туз ва мурч солиб, аралаштирамиз. Шампиньонларни паррак қилиб, пиёзни эса юпка тўртбурчак шаклда тўғраймиз. Товага ўсимлик ёғи қуйиб, иккаласини бирга қовурамиз. Ун соламыз, аралаштириб, бир дақиқа давомида қовурамиз. Сўнг сметанани солиб, яна бир дақиқа аралаштириб туриб,



қовурамиз. Газдан олиб, Қиймани тенг саккизга бўламиз. Уларга котлетсимон шакл бериб, устини бироз чуқурроқ қилиб оламиз. Шаклини уяга ўхшатиб, патнисга терамиз.

Қиймаларни 180 даражада қизиган печда 25-30 дақиқа давомида пишириб оламиз. Устидан бир ош қошиқдан кўзиқоринли аралашмадан солиб чиқамиз. Ўртасига эса биттадан бедана тухумини чақиб соламыз. Яна печга қуйиб, 5-7 дақиқа давомида пишириб оламиз.

Ёқимли иштаҳа!

ИНТЕЛЛЕКТ

БЎҒИН АЛМАШСА, БОШҚА ШАҲАРГА АЙЛАНАДИ

Ўзбек тилидаги сўзларда бўғинлар ўрнининг алмаштирилиши баъзан бирон маъно келтириб чиқариши мумкин. Баъзида эса, фақат чалкашлик юзага келади холос. Лекин шундай сўзлар борки, улардаги алмашувлар катта аҳамият касб этади.

Савол: Қайси давлат пойтахтини билдирувчи сўзда бўғинлар ўрни алмаштирилса, шу давлатнинг собиқ пойтахти номи ҳосил бўлади?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунигача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 29 октябрь 44-сонидан берилган саволнинг жавоби: **Полициячи қирганида тўрт кишидан учтаси аёл киши бўлган ва ягона эркак Жон эди. Ушбу саволга биринчи бўлиб Шухратжон Бўронов ва Суннат Аҳмедов тўғри жавоб йўллаган.**

OILA
DAVRASIDA
Mustahkam oila — yurt tayanchi
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳуснидин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1137
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 644 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



9 772181 619005

123456